

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БАБИНА АНАСТАСИЯ ЕВГЕНЬЕВНА

**ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ҒЎЗА ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ
УЧУН КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ RIZOKOM-1 ВА SERHOSIL
БИОПРЕПАРАТЛАРИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: 579.64+631.461.73+631.421+633.5.511.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of Doctoral of philosophe (PhD)

Бабина Анастасия Евгеньевна

Шўрланган тупроқларда ғўза ўсимлигини етиштириш учун комплекс таъсир
этувчи RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари..... 4

Бабина Анастасия Евгеньевна

Биопрепараты комплексного действия RIZOKOM-1 и SERHOSIL для
возделывания хлопчатника на засоленных почвах.....21

Babina Anastasiya Evgenevna

Biopreparations of complex action RIZOKOM-1 and SERHOSIL for cultivation of
cotton on saline soils37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2017.1.PhD./В40 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (microbio@academy.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна
Биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ташмухамедова Шохиста Собировна
биология фанлари доктори, профессор

Кадырова Гульчехра Хакимовна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Генетика ва ўсимликлар экспериментал
биологияси институти**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.В.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «**10**» **январ** куни соат **10-00** даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№... рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида тупроқларнинг шўрланиши экиш майдонларини катта қисмининг қиймати ва маҳсулдорлигини пасайишига олиб келмоқда. Тупроқларнинг шўрланиши айниқса, қурғоқчил ва ярим қурғоқчил худудларда қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдорлигини чегаралайдиган ҳал қилувчи экологик омиллардан биридир. Суғориладиган ерларда сувнинг етишмовчилиги ва нотўғри дренаж қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини жиддий равишда пасайтиради ва иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келади. Тупроқ эритмасида тузларнинг тўпланиши ўсимликлар томонидан сув ва озучавий моддалар сўрилишини пасайтиради ва осмотик стрессга, ионли токсинлик, озучавий моддалар балансининг бузилишига ва ўсимликларда сув етишмовчилигига олиб келади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида янги ресурстежовчи биоагротехнологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда экологик хавфсиз, юқори самарали биоагротехнологияларни қўллаш орқали шўрланган, деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, ҳамда сифатли ҳосилдорлик олиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ғўзанинг илдиз ва барг орқали озикланишини яхшилаш, шўрланган тупроқларда ўсиш ва ривожланишини тезлаштириш (стимуллаш), тупроқларнинг шўрланиши, хлорорганик пестицидлар билан ифлосланиши ҳамда илдиз чириши, фузариоз ва вертициллёз вилти, альтернариоз каби касалликлар даражасини камайтириш, ғўза ўсимлигининг касаллик ва зараркунандаларга қарши чидамлилигини, пахта ҳосилдорлиги ва толаси сифатини ошириш, полифункционал хоссаларга эга бўлган микробиологик препаратларни комплекс қўллаш асосида шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги биоагротехнологиясининг биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашни тақозо этмоқда.

Республикамызда ғўза етиштиришнинг ресурстежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва анъанавий усулларни такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, микроорганизмлар асосида биопрепаратлар қўллаган ҳолда шўрланган тупроқлар унумдорлигини ошириш, токсик тузларнинг даражасини камайтириш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “.....суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга интенсив усулларни кенг тадбиқ қилиш ва аввало замонавий сув ва ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаш”¹ вазифалари белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, шўрга чидамли полифункционал хоссаларга эга бўлган ғўза ризобактериялари асосида олинган биопрепаратлар ёрдамида шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги экологик ҳафвсиз ва иқтисодий самарадор биоагротехнологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги Ф-5394-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларда”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 14 октябрдаги 850-ф “2019-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги концепциясини тадбиқ қилиш ва ривожлантириш комплекс дастури”ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлардан маълумки, шўрланишнинг ғўзага таъсири ўсимликнинг ривожланиш босқичи, тузли стресснинг даражаси ва давомийлиги билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Биологик ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалик экинлари иқтисодий самарадорлигининг пасайиши бутун бир ўсимлик даражасидаги шўрланиш таъсирининг асосий салбий эффектидир (натижасидир) ва одатда ҳужайравий ёки молекуляр даражадаги турли физиологик ва биокимёвий жараёнларга асосланади (Nawaz K, et. al (2010); Munns R., Tester M. (2008), Abdelbasset Lakh dara et al, 2009, Chavan B. L., 2014, Maria C. Hernandez Soriano, 2012). Тузли стресс ғўза ривожланишининг барча аспектларига таъсир кўрсатади, ўсимлик ўсишини тормозлайди (секинлаштиради), илдиз, поя ва баргнинг нам ва қуруқ оғирлигини камайтиради, барг пластинкаларининг ўлчамини қисқартиради ва барг морфологиясини ўзгартиради. Шўрланиш таъсирида фотосинтез сусаяди ва ўсимликлардаги ионли гомеостаз бузилади, натижада моддалар алмашинуви бузилиши ва оксидланишли стресс келиб чиқади (Wenbo Li, Qing Li., 2017), (Nawaz et.al, 2010, Munns R and Tester M., 2008).

Тупроқлар шўрланиш даражасини пасайтириш учун кўпгина усуллардан фойдаланилади ва улардан бири шўрланган тупроқларда экинларни галофитлар билан алмашлаб экиш (Seckin, etal. 2009, Manchanda G. and Garg N., 2008), *Salsola soda* L., *Portulaca oleracea* L., *T. indica*, *S. fruticosa* ва *Sesuvium portulacastrum* каби шўрланишга чидамли кишлок хўжалик экинларини етиштириш (Graifenberg et al. 2003, Zorrig. 2012). Тупроқлар шўрланишига қарши курашнинг яна бир усули бу тупроққа минимал ишлов бериш (Сидоренко О. Д. 2008), ва мульчалошдан фойдаланишдир (Ларешин В. Г. и др. 2008, Razzaque M. and Ali M. 2009, Majumder D.A.N. 2016). Кишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва шўрга чидамлилигини ошириш, жумладан, ғўзани тупроқнинг шўрланиш омилларига уруғларни ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ишлов бериш орқали (Dong H., 2012), ёки ўсишни жадаллаштирувчи (PGPB, PGPR) микроорганизмларни қўллаган ҳолда (Ramadoss et al., 2013, Gill et al., 2012, Khalid et al., 2004), улар асосидаги биопрепаратларни (Петрова С.Н. и Парахин Н.В., 2013, Сидоренко О. Д., 2008, Блинов и др., 2008, Дронина А.С., 2010) ёки шўрга чидамли полифункционал хоссаларга эга ғўза ризобактерияларини (Нарбаева Х.С., 2016) қўллаган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган усуллардан энг кўп қўлланиладигани, шу жумладан Ўзбекистонда, шўрланган тупроқларнинг ювилишидир (Григорьян Б.Р. и др., 2011). Шўр ювишнинг тупроқ микрофлорасига ва ундаги биологик жараёнларга таъсири, тупроқ унумдорлиги кўрсаткичи сифатида полифункционал таъсирга эга микробли ассоциацияларнинг микрофлора ўзгаришидаги аҳамияти бўйича илмий адабиётларда маълумотлар келтирилмаган.

Шўрланган ва деградацияга учраган тупроқларда ғўзани етиштириш учун экологик ҳавфсиз ресурстежовчи биоагротехнологияларни ишлаб чиқишда биопрепаратларнинг шўрланган тупроқлар унумдорлигини оширишига, токсик тузларнинг даражасини ва касалликларнинг камайишига, ғўзанинг ҳосилдорлигини ошишига ва тола сифатини яхшиланишига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-7-068 “Тупроқ шўрланишига қарши курашиш учун самарали биоагротехнологияни ишлаб чиқиш” (2006-2008 йй), ФА-А9-Т131 “Полифункционал микроорганизмлар асосида комплекс таъсир қилувчи биопрепаратлар олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй), И5-ФА-0-19521 “SERHOSIL биопрепаратини кичик ҳажмда ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш” (2013-2014 йй), ФА-А6-Т111 “Комплекс таъсир қилувчи RIZOKOM-1 ва RIZOKOM-2 биопрепаратларини ярим саноат миқёсда ишлаб чиқариш биотехнологиясини

ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй) мавзуларидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс таъсир қилувчи RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларига асосланган шўрланган тупроқларда ғўза етиштириш учун янги ресурстежовчи биоагротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шўри ювилган тупроқларни ҳайдалма қатламининг тупроқ микрофлораси ва агрокимёвий таркибини солиштирма таҳлил қилиш;

RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини шўри ювилган ва ювилмаган шўрланган тупроқларнинг микробли уюшмаси ва ферментатив фаоллигига таъсирини ғўза вегетацияси фазалари бўйича динамикасини аниқлаш;

шўри ювилган ва ювилмаган шўрланган тупроқларда тупроқ микробли уюшмаси, CO₂ эмиссияси, тупроқ гумуси, азот, фосфор ва калий ўрталарида корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг шўри ювилган ва ювилмаган шўрланган тупроқларнинг агрокимёвий таркибига ва ғўзанинг маҳсулдорлигига таъсирини баҳолаш;

шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги ресурстежовчи биоагротехнологиясини ишлаб чиқиш;

шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги биоагротехнологиясининг илмий ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва биологик, иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полифункционал хоссаларга эга *Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб шўрга чидамли фосформобилловчи ғўза ризобактериялари асосидаги биопрепарат RIZOKOM-1, *Scenedesmus* авлодига мансуб яшил микросувўтлар асосидаги SERHOSIL биопрепарати, Ан Баяут-2, С-6524, Бухоро-8, Бухоро-9 ғўза навлари, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг шўрланган тупроқлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини шўрланган тупроқларнинг микробиологик, агрокимёвий ва биокимёвий жараёнларга таъсирини ғўза вегетацияси фазалари бўйича динамикасини аниқлаш, уларни ғўзанинг ўсиши ва ривожланишининг биометрик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш, шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги ресурс тежовчи биоагротехнологияни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида микробиологик, биокимёвий, агрокимёвий, биотехнологик, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк бор шўр ювишнинг шўрланган тупроқлардаги микробли уюшмаси, биологик фаоллиги ва агрокимёвий таркибига салбий таъсири аниқланган;

илк бор шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини мажмуавий қўлланилиши натижасида агрономик жиҳатдан муҳим бўлган тупроқ микроорганизмлари, биоген элементлари ва ўсимлик озиқланишининг балансини нормаллашиши исботланган;

илк бор шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришда, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини мажмуавий қўлланилиши натижасида, шўрланган тупроқлар ишкорий рН қиймати меъёрлашиши, шўрланиш даражасини пасайиши, тупроқ ва ўсимликларнинг намликни ушлаб қолиш хусусиятини ошиши, шўрланган тупроқлар ҳосилдорлиги ва ғўзанинг махсулдорлигини ошиши асосланган;

илк бор шўрланган тупроқларда ғўза етиштирилганда фойдали тупроқ микробли уюшмаси, биоген элементларни ва ўсимлик озиқланиши ўрталарида кучли тафовут боғликлиги аниқланган;

RIZOKOM-1 биопрепаратини қўлланилиши ғўза ўсимлигининг уруғларига ишлов беришда кимёвий фунгицидларга алтернатив вариант сифатида ва SERHOSIL биопрепарати ғўза ўсимлигининг барглари орқали озиқлантирилганда минерал ўғитларга алтернатив вариант сифатида қўлланилиши мумкинлиги аниқланган;

шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги биоагротехнологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Сирдарё ва Бухоро вилоятлари ғўза селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияси илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станцияларида шўрланган тупроқларда янги биоагротехнологияни ғўзада синаш бўйича давлат регистрцион текширув-тадқиқотлари амалга оширилган.

RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини ярим саноат миқёсида ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 маротабадан ўтказилгани ва бу ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини бергани билан асосланган. Тажриба маълумотларини статистик ҳисоблаш Стъудент критерийси компьютер дастури ёрдамида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шўрланган тупроқларнинг шўри ювилиши уларнинг унумдорлигини ошишига сабаб бўла олмаслиги, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини мажмуавий ҳолда қўлланилишининг самарадорлиги тупроқ микробли уюшмаси балансини нормаллашиши, шўрланган тупроқларни биологик фаоллиги ошиши ва тупроқларнинг

шўрланиш даражасини пасайишига йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг ривожига ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларидан мажмуавий қўлланилишига асосланган шўрланган тупроқларнинг шўрини минераллашган сув билан ювилмайдиган технологияни қўллашнинг аҳамиятини устуворлиги билан шўри ювилган ва ювилмаган шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги экологик хавфсиз, ресурстежовчи биоагротехнологияни ишлаб чиқилишида асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комплекс таъсир килувчи RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларидан ташкил топган биоагротехнологияни яратиш ва тадбиқ қилиш жараёнидан олинган илмий натижалар асосида:

шўрланган ерларда ғўза ҳосилдорлигини ошириш учун RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида “Сувчи мироб даласи” фермер хўжалигида ўрта ва кучли шўрланган 2,5 гектар ғўза майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги 02/020-294-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза ривожланиши яхшиланган, ҳамда ҳосилдорлик ўртача 7,5 ц/га га ошган.

RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари Сирдарё вилоятининг “Хуршид Рахматулла ҳамкор” ва “Мардлар дўстлик даласи” фермер хўжаликларининг ғўза майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги 02/020-294-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза майдонларининг ҳар гектарида қўшимча 7,5-10,0 ц/га ҳосил олинган.

шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рухсат этилган (2019 йил 27 февралдаги 1А 1806 ва 1А 1808 гувоҳномалари). Натижада, шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги ресурстежовчи биоагротехнологияси ишлаб чиқилган;

комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 биопрепарати учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ts28100192-003:2018). Натижада, шўрланган, деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини, ғўза ўсимлигини ҳосилдорлигини ва пахта толасини сифатини ошириш имконини берган;

SERHOSIL биопрепарати учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ts28100192-005:2018). Натижада, фотосинтез жараёнини яхшилаш ва баргларнинг фотосинтетик юзасини, ўсимликларнинг атроф муҳитини экстремал шароитларига адаптациясини, уларни қурғоқчиликка ва совуққа бардошликларини ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жами 16 та, жумладан, 9 халқаро ва 7 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш нашр этилган, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган, объекти ва усуллари тавсифланган, илмий янгилиги белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниш ҳолати, нашр қилинган мақолалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вза ривожланишига шўрланишнинг таъсири ва ризосфера микроорганизмларининг шўрланган тупроқларнинг ҳосилдорлиги ва ғўза маҳсулдорлигини оширишдаги роли”** деб номланган биринчи бобида тупроқ шўрланишини ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш, тупроқларнинг шўрланишига қарши кураш ва тупроқ унумдорлигини ҳамда ғўзанинг ҳосилдорлигини ошириш учун микробиологик препаратлардан фойдаланишнинг истиқболлари бўйича тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **“RIZOKOM-1 биопрепаратининг таркиби, хусусияти ва қўлланилиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тупроқнинг микробли уюшмаси, ферментатив фаоллиги, CO₂ эмиссияси жараёнлари, шўрланган тупроқларнинг агрокимёвий таркиби, ўсимликнинг бутун вегетацияси давомида шўрланган тупроқларда ғўза ривожланишининг биометрик кўрсаткичларини ўрганиш материаллари ва усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Комплекс таъсир қилувчи RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг ғўза ўстирилган шўри ювилган ва шўри ювилмаган шўрланган тупроқларнинг биологик фаоллиги ва агрокимёвий таркибига таъсири”** деб номланган учинчи бобида RIZOKOM-1 препаратининг ғўза ўстирилган шўрланган шўри ювилган ва ювилмаган ҳайдалма қатламидаги (0-30см) тупроқнинг биологик фаоллиги ва

агрокимёвий таркибига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.


Ўза ўстирилган шўрланган тупроқларнинг микробли уюшмаси. Шўри ювилган ва шўри ювилмаган тупроқларнинг бошланғич микробли уюшмаси ўрганилганда шу маълум бўлдики, тупроқларни минераллашган сув билан ювилиши, фаол микробиология жараёнлар ўтиши учун зарур бўлган, тупроқ микроорганизмларининг муҳим физиологик гуруҳлари микдорининг камайишини тезлаштиради.

Аммонификаторлар, азотфиксаторлар, олигонитрофиллар, фосфор парчаловчи микроорганизмлар, целлюлозапарчаловчи бактериялар ва актиномицетлардан иборат фойдали тупроқ микрофлорасининг микдори, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари таъсиридаги тажриба вариантларида, бутун вегетация даври бўйича шўри ювилган тупроқларда 1 тартибга, шўри ювилмаган тупроқларда эса – 1-2 тартибга (10^7 - 10^8 ҚХБ/г тупроқгача) ошганлиги кузатилган. Денитрификаторлар ва микромицетлар микдори шўри ювилган тупроқларда 1 тартибга (10^4 ҚХБ/г тупроқгача), шўри ювилмаган тупроқларда 1-2 тартибга (10^3 - 10^4 ҚХБ/г тупроқгача) камайган (1-расм).


Шундай қилиб, ўртача шўрланган шўри ювилган ва шўри ювилмаган тупроқларда ўтказилган микробиологик таҳлиллар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни ўзага RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг қўлланилиши, углерод, азот ва фосфорнинг табиатда айланиши ва ўсимликларнинг озикланишида иштирок этувчи, агрономик жиҳатдан муҳим бўлган тупроқдаги микроорганизм гуруҳлари микдорини ошишига ёрдам беради.

Ўза ўстирилган шўрланган тупроқларнинг эмиссияси CO_2 интенсивлиги. Тупроқдан углекислотанинг ажралиб чиқиш интенсивлигига қараб ундаги микроб-биокимёвий жараёнларнинг фаоллик ва тезлик даражалари, тупроқдаги органик моддаларнинг йўналган трансформацияси, ҳамда уларнинг турли ифлосланишлардан ўз-ўзини тозалаш хусусияти ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Шу сабабли, ўзада RIZOKOM-1 ва SERHOSIL препаратлари қўлланилганда вегетация давомида тупроқдаги CO_2 микдорининг ўртача ўзгариши аниқланган. Шўри ювилган тупроқлардаги назорат вариантыда карбонат ангидрид ажралиб чиқишининг вегетация давомида ўртача қиймати, тажриба вариантыда 111 мг CO_2 /кг (15,95%) га юқори бўлди, шўри ювилган тупроқларда эса назорат ва тажриба вариантларидаги фарқ вегетация давомида ўртача 61 мг CO_2 /кг (9,9%) ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич шўри ювилмаган тупроқларнинг биологик фаоллиги ва ўсимликлар илдизлари томонидан CO_2 ни яхшироқ ўзлаштириши шўри ювилган ҳамда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган тупроқларникидан юқорироқ эканлигидан далолат беради (2-расм).



1-расм. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг ғўза ўстирилган ўртача шўрланган ювилган (А) ва ювилмаган (Б) тупроқлар микроб уюшмасининг ривожланиш динамикасига таъсири




2-расм. Ғўза вегетацияси давомида RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг шўри ювилган (А) ва шўри ювилмаган (Б) ўртача шўрланган тупроқлардаги “нафас олиш” жараёнига таъсири динамик кўринишда

Биз, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL комплекс биопрепаратлар қўлланилиши натижасида шўрланган тупроқларнинг тупроқ ферментларга таъсирини аниқладик. Шўри ювилган тупроқларда тажриба вариантларида каталазанинг фаоллиги назоратга нисбатан вегетация давомида ўртача 1,5 мл KMnO_4 (22,5%) га, инвертаза фаоллиги 1,1 мг глюкоза/г тупроққа (7,9%) га, α ва β

амилазаларнинг фаоллиги - 1,7 мл 0,1 М Na₂S₂O₃ (12,4%) га камайган. Ферментатив фаолликнинг камайиши микробиологик жараёнларнинг оптималлашуви ҳақида далолат беради ва бунинг натижасида, крахмал гидролизи, мальтоза ва глюкоза шаклланиш жараёнларининг пасайиши, органик моддалар минераллашуви тезлигининг камайиши содир бўлади (3-расм).

Вўза ўстирилган шўрланган тупроқларнинг аргокимёвий хоссалари. Биз RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган шўрланган тупроқлар (шўри ювилган ва шўри ювилмаган) аргокимёвий кўрсаткичларининг ўзгаришларини аниқладик. Аниқланишича, шўри ювилганидан сўнг шўрланган тупроқлардаги катионлар ва анионлар (Са, Mg, Na, К, Cl, HCO₃, SO₄) миқдори, шўри ювилмаган тупроқлар билан солиштирилганда 0,1-2,9% га ошиши кузатилди.




**3-расм.
RIZOKOM-1 ва
SERHOSIL
биопрепарат-
ларининг ўза
етиштирилган
ўртача
шўрланган
тупроқларнинг
ферментатив
фаоллигига
таъсири**

Шўри ювилмаган тупроқлардаги N, P, K ва гумус каби тупроқ элементларининг ҳаракатчан шакллари, шўри ювилган тупроқлардагилар билан солиштирилганда 6,18-106 мг/кг га ошиши қайд этилди. Шўри ювилган тупроқларда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилиши ялпи азот шакллариининг ҳаракатчан шаклга ўтишига ёрдам берган, яъни тажриба вариантыда ўза вегетациясида уларнинг ўртача миқдори, назорат вариантыга нисбатан 7,37% га камайган, шўри ювилмаган тупроқларда эса – 4,47% ошган. Тажриба вариантларида тупроқда азотнинг ҳаракатчан шакллари вегетация даври бўйича ўртача 4,5 мг/кг (10,1%) тупроқ миқдорида камайган. Шўри ювилган тупроқларда назорат варианты билан солиштирилганда азотнинг ҳаракатчан шакллари тажриба вариантларида 4,27 мг/кг (12,74%) га ошган. Тупроқдаги фосфорнинг ҳаракатчан, ўсимликлар ўзлаштирадиган ҳамда ялпи шакллари тупроқ захираси ва қийин ўзлаштириладиган фосфатларнинг мобилизациялаштирилиш даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Шўри ювилган тажриба варианты тупроқларида


фосфорнинг ҳаракатчан шакллари миқдори назорат варианты билан солиштирилганда вегетация даври давомида ўртача 0,39 мг/кг (1,34%) га камайган. Шўри ювилмаган тажриба варианты тупроқларида фосфорнинг ҳаракатчан шакллари миқдори 1,35 мг/кг (4,97%) га камайган. Бу ҳолат фосфорни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилганлигидан далолат беради. Ўсимликларнинг қурғоқчилик ва совуққа нисбатан чидамлилиқ кўрсаткичларидан бири бу улар таркибидаги калий миқдори. Шўри ювилган тупроқларда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилиши ҳаракатчан калийнинг миқдори, назорат варианты билан солиштирилганда вегетация даври бўйича ўртача 2,9 мг/кг (0,63%) га ошган, шўри ювилмаган тупроқларда эса - 34,2 мг/кг (8,5%) га ошган (4-расм).

Тупроқ унумдорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу - тупроқдаги гумуснинг миқдоридир. Шўри ювилган тупроқларда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилганда гумуснинг миқдори, назорат варианты билан солиштирилганда 33,88 % га ошган.



4-расм. Ғўза вегетацияси давомида RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган шўри ювилган (А) ва шўри ювилмаган (Б) ўртача шўрланган тупроқлардаги азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллариининг динамик кўринишдаги миқдори


Шўри ювилмаган тупроқларда гумус кам миқдорда, яъни 33,58% га камайиши содир бўлди. Бу ҳолат уни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилганлигидан далолат беради (5-расм).



5-расм. Ғўза вегетацияси давомида RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган шўри ювилган (А) ва шўри ювилмаган (Б) ўртача шўрланган тупроқлардаги гумуснинг миқдори динамик кўринишда

Ғўза ўстирилган тажриба майдонда токсик (заҳарли) ва токсик бўлмаган тузлар миқдори. Тупроқнинг шўрланиши қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини чегаралайдиган атроф - муҳитнинг энг ҳалокатли омиллардан биридир. Биз, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилганда тупроқдаги тузлар миқдорининг ўзгаришини ўргандик.

Шўри ювилган тупроқларда RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан токсик тузлар йиғиндиси ($\text{NaCl} + \text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{MgSO}_4$) 34,6% га, токсик бўлмаган тузлар йиғиндиси ($\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2 + \text{CaSO}_4$) – 29,3% га камайган. Шўри ювилмаган тупроқлардаги токсик тузлар йиғиндиси – 64,8% г, токсик бўлмаган тузлар йиғиндиси эса – 18,6% га камайган (6-расм).



6-расм. Ғўза вегетацияси давомида RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган шўри ювилган (А) ва шўри ювилмаган (Б) ўртача шўрланган тупроқлардаги NaCl , MgSO_4 , Na_2SO_4 (%) токсик тузларнинг йиғиндисининг динамик кўриниши (%)

Тупроқ эритмасининг рН қиймати, назорат вариант билан солиштирилганда (8,8 дан 7,8 гача), шўри ювилган тажриба вариантыда 8,8 дан 7,7 гача, шўри ювилмаган вариантларда 8,7 дан 7,5 гача камайган. Шундай қилиб, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL комплекс биопрепаратлари қўлланилиши шўри ювилмаган тупроқлардаги азот, фосфор ва калийнинг ялли ва ҳаракатчан шакллари ошиши ҳамда токсик тузлар йиғиндисининг камайишига ёрдам берган.

RIZOKOM-1 ва *SERHOSIL* биопрепаратларининг шўрланган тупроқлардаги ғўзанинг биометрик кўрсаткичлари ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсири. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилиши натижасида, назорат варианты билан солиштирилганда ғўза вегетацияси бўйича ўртача ўсимликнинг бўйи шўри ювилган тупроқларда 7,8 см га, шўри ювилмаган тупроқларда 5,7 см га ошишига ғўза ўсимлигининг умумий вази - шўри ювилган тупроқларда 79,2 г га, шўри ювилмаган тупроқларда 215,7 г га ошиши, поясининг умумий оғирлиги – шўри ювилган тупроқларда 75,8 г га, шўри ювилмаган тупроқларда – 212,1 г га ошиши, ғўза илдизларининг оғирлиги - шўри ювилган тупроқларда 2,136 г га, шўри ювилмаган тупроқларда эса 4,68 г га ошишига имкон берган. 1000 дона чигитнинг оғирлиги ҳам тажриба вариантларида юқори бўлиб, назорат вариантлари билан солиштирилганда шўри ювилган тупроқларда – 18,9 г га, шўри ювилмаган тупроқларда эса – 33,5 г га оғирроқ бўлди. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган шўри ювилган вариантларда 50та кўсакнинг тола чиқими назорат вариантыга нисбатан 8,1 г га юқорироқ бўлди (0,1% га), шўри ювилмаган тажриба вариантларида эса 41,5 г га (1,4% га). 50та кўсақдаги чигитлар оғирлиги, препаратларсиз назорат вариантлари билан солиштирилганда шўри ювилган тупроқлардаги – 15,5 г га (1,3%), шўри ювилмаган тупроқдаги – 88,5 г га (4,7%) ошган. Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш бўйича «SIFAT» марказида толанинг сифати аниқланди. Пахта толасининг энг яхши кўрсаткичлари RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган биоагротехнологияда шўри ювилмаган тупроқлардаги вариантларида бўлди ва 1- навга мос келган, назорат вариантыдаги пахта толаси эса 2- навга мос келган. Шундай қилиб, RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг қўлланилиши ва шўрланган тупроқларни минераллашган сув билан шўри ювилишини бекор қилиш ғўза ҳосилдорлигининг ошишига ва пахта толаси сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Диссертациянинг “**Шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги ресурстежовчи биоагротехнологиясини ишлаб чиқиш**” деб номланган тўртинчи бобида Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси ИТИ Сирдарё (С-6524 нави) ва Бухоро (Бухоро-8 нави) илмий-тажриба станцияларининг кучли шўрланган тупроқларда ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари натижалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Аниқланишича, ғўза етиштиришда янги биоагротехнология қўлланилиши

натижасида у тупроқ микрофлораси, тупроқдаги биоген элементлар балансига ижобий таъсир қилган, ғўза вегетацияси давомида ўсимликлар томонидан ўзлаштириши ҳисобидан ҳаракатчан N, P, K элементлари ва гумус миқдори камайган, шўрланиш даражаси пасайган, тупроқдаги ферментатив жараёнлар яхшиланган, ғўза ўсимлигининг турли аъзоларидаги микроэлементлар миқдори ошган. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларининг қўлланилган вариантларда биогенли элементлар миқдори, ўсимликларнинг озикланиши ва тупроқ микрофлорасининг миқдори ўрасидаги кучли корреляцион боғлиқлик қайд этилган. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган вариантларда ҳаракатчан азотнинг миқдори ва актиномицетлар ҳамда олигонитрофил микроорганизмлар ўртасида кучли боғлиқлик ($r=0,76-0,85$), фосфорни – аммонификацияловчи микроорганизмлар ўртасидаги ($r=0,79$) боғлиқлик қайд этилган. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари комплекс қўлланилганда ҳаракатчан калий миқдори ўртасида ($r=0,79$) кучли тесқари боғлиқлик ва ҳаракатчан фосфор миқдори ҳамда тупроқдаги фосформобилизацияловчи микроорганизмлар ўртасида кучсиз боғлиқлик қайд этилган. Кучли шўрланган тупроқларда ғўза етиштириш биоагротехнологиясини қўлланилиши пахта хом-ашёси ҳосилдорлиги, назорат варианты билан солиштирилганда (анъанавий экиш усули), С-6524 навида – 6,8 ц/га, Бухоро-8 навида – 14,4 ц/га ошишига ёрдам берган.

Шундай қилиб, биоагротехнологияни ишлаб чиқариш миқёсида ўтказилган синовлар асосида унинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги исботланган. Шўрланган тупроқларда пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш рентабеллиги 8,7-76,1-80,2% ошган.

ХУЛОСАЛАР

“Шўрланган тупроқларда ғўза етиштириш учун комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари” диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шўрланган тупроқларни минераллашган сув билан ювилиши тупроқдаги фойдали микрофлора миқдорини 1-2 даражага пасайишига (10^6 дан 10^4 гача КХБ/г тупроқга) ва шўрланган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида катионларни 2,0 мг/кг тупроқга (Ca, Na, Mg, K) ва анионларни (Cl, SO₄, HCO₃) 3,5 мг /кг тупроқга ошганлигига сабаб бўлган ва дастлабки тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатган.

2. Илк бор RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини қўллаш, тупроқдаги фойдали микрофлора миқдорини 1-2 даражага ошганлигига (10^7 - 10^8 КХБ/г тупроқга), микромицетлар ва денитрификаторлар шўри ювилган тупроқларда 1 даражага (10^4 КХБ/г тупроқга) ва шўри ювилмаган тупроқларда 2 даражага (10^3 КХБ/г тупроқга) камайганлигига, тупроқларнинг ферментатив фаоллиги ва CO₂ эмиссияси пасайганлигига, шўрланган

тупроқлар (шўри ювилган ва ювилмаган) биологик фаоллигига ижобий таъсир қилиши қайд этилган.

3. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари комплекс қўлланилиши шўрланган тупроқлар унумдорлигининг ошишига, биоген элементлар балансининг меъёрлашуви, вегетация давомида ғўза ўстирилган шўри ювилган тупроқлар хайдалма қатламдаги тузлар йиғиндиси 63,5% га, шўри ювилмаган тупроқларда – 83,4% га камайиши кузатилди.

4. Илк бор RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилиши шўри ювилган ва ювилмаган тупроқларда ғўза уруғларининг унумдорлигини 95-99% гача оширишга (назоратда – 50-60%), ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши биометрик кўрсаткичларини яхшиланишига, ўсимликлар умумий массасини 38,67 ва 94,35%га, илдизлар оғирлигини 41,36 ва 60,62% га, пахта хом-ашёси ҳосилини 4,0-7,0 ц/га га оширишга, ҳамда шўри ювилган ва шўри ювилмаган тупроқларда тола ва чигитлар сифатини яхшиланишига олиб келди.

5. RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган вариантларда тупроқ микробли уюшмаси, биоген элементлари миқдори ва ўсимлик озикланиши ўртасида кучлироқ корреляцион боғлиқлик кузатилган. Ҳаракатчан азотнинг миқдори актиномицетлар ва олигонитрофил микроорганизмлар билан кучли корреляцияда бўлган ($r=0,76-0,85$), фосфор аммонификаторлар билан ($r=0,79$), бу ўз навбатида шўрланган тупроқларда ғўза маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

6. Илк бор шўрланган тупроқларни минераллашган сув билан ювилишини чиқариб ташлаш, суғориш сувини 2-3 т/га гача ва минерал ўғитлар (NPK) киритиш меъёрини 25-50% гача иқтисод қилувчи янги самарали ресурстежовчи биоагротехнология ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган биоагротехнологиянинг устунлиги тупроқ-микроорганизмлар-ўсимлик тизими компонентларини ўзаро комплекс таъсир қилишига асосланади, биоген элементлар миқдори, ўсимликларнинг озикланиши ва тупроқ микрофлорасининг миқдори ўртасидаги нисбатан кучли корреляцион боғлиқлик қайд этилган.

7. Шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришнинг янги биоагротехнологиясини ишлаб чиқариш миқёсида ўтказилган синовлар RIZOKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини биргаликда қўллашнинг юқори биологик ва иқтисодий самарадорлиги, ғўза ҳосилдорлигини 6,8-10,0-14,4 ц/га (28,17-51,4-13,9 %) га ва шўрланган тупроқларда пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш рентабеллигини 38,7-76,1-80,2% оширганлигидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ МИКРОБИОЛОГИИ

БАБИНА АНАСТАСИЯ ЕВГЕНЬЕВНА

**БИОПРЕПАРАТЫ КОМПЛЕКСНОГО ДЕЙСТВИЯ RIZOKOM-1 И
SERHOSIL ДЛЯ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ ХЛОПЧАТНИКА НА
ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ**

03.00.12 – Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.1.PhD./В40.

Диссертация выполнена в Институте микробиологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Джуманиязова Гульнара Исмаиловна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Ташмухамедова Шохиста Собировна
доктор биологических наук, профессор

Кадырова Гульчехра Хакимовна
доктор биологических наук

Ведущая организация: Институт генетики и экспериментальной биологии растений

Защита диссертации состоится **«10» января** 2020 года в **«10-00»** часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.B.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 7б, конференц-зал Института микробиологии. 3 этаж. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: microbio@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрировано под № __). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 7б, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека Института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2019 г.).

Арипов Тахир Фатихович
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, академик

Жураева Рохила Назаровна
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней, к.б.н.

Гулямова Ташхан Гафуровна
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира засоление почв привело к снижению ценности и продуктивности значительных посевных площадей. Почвенное засоление является одним из самых решающих экологических факторов, ограничивающих продуктивность сельскохозяйственных культур, особенно в засушливых и полузасушливых регионах. Нехватка воды и неправильный дренаж орошаемых земель серьезно снижают рост и продуктивность сельскохозяйственных культур, что имеет негативные экономические, экологические и социальные последствия. Накопление солей в почвенном растворе снижает поглощение растениями воды и питательных веществ, что приводит к осмотическому стрессу, ионной токсичности, дисбалансу питательных веществ и дефициту воды у растений. В связи с этим выжым является разработка новых ресурсосберегающих биоагротехнологий для сельского хозяйства.

В мире проводятся исследования по повышению плодородия засоленных деградированных почв и получению качественного урожая путем применения экологически безопасных высокоэффективных биоагротехнологий. Это, в свою очередь, требует улучшения корневого и листового питания, стимулирование роста и развития хлопчатника, снижение засоленности почв, загрязненности хлорорганическими пестицидами, заболеваемости хлопчатника корневой гнилью, фузариозным и вертициллезным вилтом, альтернариозом, восстановления плодородия засоленных почв, повышения устойчивости растений хлопчатника к болезням и вредителям, урожайности хлопка-сырца и качества волокна, определения биологической и экономической эффективности новой биоагротехнологии возделывания хлопчатника на засоленных почвах, основанной на комплексном применении микробиологических препаратов с полифункциональными свойствами.

В республике особое внимание уделяется разработке и внедрению в практику широкомасштабных мероприятий по разработке ресурсосберегающих технологий возделывания хлопчатника и совершенствованию традиционных способов, в том числе получены весомые данные по повышению плодородия засоленных почв, снижению степени токсичных солей путем применения биопрепаратов на основе микроорганизмов. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан отмечена задача «улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий».¹

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан». 7 февраль, 2017 год, № УП-4947

Для выполнения этих задач, важным является разработка новой экологически безопасной и экономически эффективной биоагротехнологии возделывания хлопчатника на засоленных почвах с помощью биопрепаратов на основе солеустойчивых ризобактерий хлопчатника с полифункциональными свойствами и микроводорослей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Распоряжении Президента Республики Узбекистан Ф-5394 от 29 октября 2018 года «О дополнительных организационных мерах по реформированию сельскохозяйственной отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан 3855 от 14 июля 2018г «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации научной и научно-технической деятельности» и в распоряжении Кабинета Министров РУз 850-ф от 14 октября 2018г «Комплексная программа развития и внедрения концепции персонализированного сельского хозяйства в Республике Узбекистан на период 2019-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Из литературы известно, что влияние засоления на хлопчатник варьируется в зависимости от стадии развития растения, степени и длительности солевого стресса. Снижение биологической урожайности и экономической эффективности с/х культур является основным негативным эффектом от влияния засоления на уровне всего растения и обычно приписывается различным физиологическим и биохимическим процессам на клеточном или молекулярном уровнях (Nawaz K, et al (2010); Munns R., Tester M. (2008), Abdelbasset Lakhdera et al, 2009, Chavan V. L., 2014, Maria C. Hernandez Soriano, 2012). Солевой стресс влияет на все аспекты развития хлопчатника, тормозит рост, уменьшает влажную и сухую массу корня, стебля и листа, размеры листовой пластинки и изменяет морфологию листа и подавляет фотосинтез, нарушает ионный гомеостаз у растений, вызывая дисбаланс обмена веществ и окислительный стресс (Wenbo Li, Qing Li., 2017, (Nawaz et.al, 2010, Munns R and Tester M., 2008).

Для снижения уровня засоления почв используют многие методы, одним из которых являются севообороты с галофитами на засоленных почвах (Seckin, etal. 2009, Manchanda G. and Garg N., 2008), применение солеустойчивых сельскохозяйственных культур - *Salsola soda* L., *Portulaca oleracea* L, *T. indica*, *S. fruticosa* и *Sesuvium portulacastrum* (Graifenberg et al.

2003, Zorrig. 2012). Одним из методов борьбы с почвенным засолением является минимальная обработка почвы (Сидоренко О. Д. 2008), применение мульчи (Ларешин В. Г. и др. 2008, Razzaque M. and Ali M. 2009, Majumder D.A.N. 2016). Повышение урожайности и устойчивости сельскохозяйственных культур, в частности, хлопчатника к факторам почвенного засоления также осуществляют химической и биологической обработкой семян и растений (Dong H., 2012), в том числе, применяя ростстимулирующие микроорганизмы (Ramadoss et al., 2013, Gill et al., 2012, Khalid et al., 2004), биопрепараты на их основе (Петрова С.Н. и Парахин Н.В., 2013, Сидоренко О. Д., 2008, Блинов и др., 2008, Дронина А.С., 2010) и солеустойчивые ризобактерии хлопчатника с полифункциональными свойствами (Нарбаева Х.С., 2016). Одним из часто применяемых методов снижения засоленности, в том числе, в Узбекистане, является промывка засоленных почв (Григорьян Б.Р. и др., 2011)

Однако, в научной литературе практически отсутствуют сведения по влиянию промывки на почвенную микрофлору и протекающие в ней биологические процессы, равно как нет данных о роли микробных ассоциаций полифункционального назначения в изменении состояния микрофлоры как показателя плодородия почвы.

Для разработки экологически безопасной ресурсосберегающей биоагротехнологии возделывания хлопчатника на засоленных, деградированных почвах, решающее значение имеет изучение влияния биопрепаратов на повышение плодородия засоленных почв, снижение уровня токсичных солей, снижение заболеваемости, увеличение урожайности хлопчатника и улучшение качества волокна.

